



رئاسة الشؤون الدينية  
بالمسجد الحرام والمسجد النبوي

Ўзбек

أوزبكي

مِنْ أَحْكَامِ الصَّيَّامِ

# РЎЗА АҲКОМЛАРИ



Масжидул Ҳаром ва Масжиди Набавийдаги  
диний ишлар бошқармасининг илмий қўмитаси

٢٣  
٢٣ ص ؛ .سم  
- ط١. - الرياض ، ١٤٤٦ هـ  
من أحكام الصيام - أوزيكي. / جمعية خدمة المحتوى الإسلامي  
جمعية خدمة المحتوى الإسلامي (٢) ١٤٤٦ هـ

رقم الإيداع: ١٤٤٦/١٧٠١١  
ردمك: ٤-٢٧-٨٥٣٤-٦٠٣-٩٧٨

مِنَ أَحْكَامِ الصِّيَامِ

# РЎЗА АҲКОМЛАРИ

اللَّجْنَةُ الْعِلْمِيَّةُ

بِرئاسة الشُّؤْنِ الدِّيْنِيَّةِ بِالمَسْجِدِ الحَرَامِ وَالمَسْجِدِ النَّبَوِيِّ

Масжидул ҳаром ва Масжиди Набавийдаги  
диний ишлар бошқармасининг илмий  
қўмитаси

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## Рўза аҳкомлари

### Биринчи бўлим

## Рўзанинг маъноси ва Рамазон ойининг рўзасини тутиш фарзлиги ҳақида

Биринчи: Рўзанинг маъноси:

Рўза — Тонг отгандан бошлаб то қуёш ботгунга қадар рўзани очиб юборувчи нарсалардан тийилиш билан Аллоҳ таолога ибодат қилишдир.

Иккинчи: Рамазон рўзасини тутиш фарзлиги:

Рамазон рўзаси Ислом арконларидан бир руқн бўлиб, мусулмоннинг дини фақат у орқали қоим бўлади. Рўзанинг вақти ва кўриниши ҳар хил бўлса ҳам у барча умматларга фарз қилинган. Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ

لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿۱۸۳﴾

«Эй, иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақводор бўлсаларингиз». [Бақара: 183].

Рўзанинг фарзлигига Қуръони карим, суннат ва ижмоъ далолат қилган:

Қуръондан далил Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи:

﴿يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٨٣﴾ أَيَّامًا مَّعْدُودَاتٍ...﴾

«Эй, иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақводор бўлсаларингиз.

Саноқли кунлар...» [Бақара: 183-184].

Суннатдан далил Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ушбу сўзлари:

«بُنِيَ الْإِسْلَامُ عَلَى خَمْسٍ: شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَإِقَامِ الصَّلَاةِ، وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ، وَصَوْمِ رَمَضَانَ، وَحَجِّ الْبَيْتِ».

«Ислом беш устун устига қурилган, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам у зотнинг

пайғамбари деб гувоҳлик бериш, намозни тўқис адо қилиш, закотни бериш, рамазон рўзасини тутиш ва Аллоҳнинг уйига ҳаж қилиб боришдир».<sup>1</sup>

Ижмоъга келсак, бутун мусулмонлар Рамазонда рўза тутиш фарз эканига ва ким рўза тутиш фарзлигини инкор қилса, кофир бўлишига ижмоъ қилишган.

## Иккинчи бўлим

### Рамазон ойининг фазилатлари

Бу ойнинг улуғ хусусиятлари ва бошқа ойлардан ажралиб турадиган фазилатлари бор. Улардан:

1. Қуръони карим шу ойда нозил бўлган Аллоҳ таоло айтади:

﴿شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ...﴾

«Рамазон ойики, унда Қуръон туширилгандир» [Бақара 185].

2. Солиҳ амаллар кўплиги боис унда жаннат эшиклари очилади.

---

<sup>1</sup> Муттафақун алайх, Имом Бухорий 8-рақам билан (1/11)да ва имом Муслим 16-рақам билан (1/34)да ривоят қилган.

3. Маъсият ва гуноҳлар озайгани учун дўзах эшиклари ёпилади.

Бу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзларида ворид бўлган:

«إِذَا جَاءَ رَمَضَانُ، فَتُحْتَأَبُ أَبْوَابُ الْجَنَّةِ، وَتُغْلَقُ أَبْوَابُ النَّارِ، وَصُفِّدَتِ الشَّيَاطِينُ».

«Агар Рамазон келса, жаннат эшиклари очилади, дўзах эшиклари эса ёпилади ва шайтонлар занжирбанд қилинади».<sup>1</sup>

4. Унинг фазилатларидан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзлари:

«مَا مِنْ حَسَنَةٍ يَعْمَلُهَا ابْنُ آدَمَ إِلَّا كُتِبَ لَهُ عَشْرُ حَسَنَاتٍ إِلَى سَبْعِمِائَةِ ضِعْفٍ، قَالَ اللَّهُ: إِلَّا الصَّيَّامَ، فَإِنَّهُ لِي وَأَنَا أَجْزِي بِهِ، يَدَعُ شَهْوَتَهُ وَطَعَامَهُ مِنْ أَجْلِي، الصَّيَّامُ جُنَّةٌ، وَلِلصَّائِمِ فَرْحَتَانِ: فَرْحَةٌ عِنْدَ فِطْرِهِ، وَفَرْحَةٌ عِنْدَ لِقَاءِ رَبِّهِ، وَخَلُوفٌ فَمِ الصَّائِمِ أَطْيَبُ عِنْدَ اللَّهِ مِنْ رِيحِ الْمِسْكِ».

«Одам боласи қандай яхши амал қилмасин ўндан то етти юз ҳиссагача кўпайтириб савоб ёзилади. Аллоҳ таоло айтди: «Лекин рўзаси мен учундир. Рўзадор таомини, шаробини ва шаҳватини Мен сабабли тарк қилади. Мен Ўзим

<sup>1</sup> Муттафақун алайҳ, имом Бухорий 1898-рақам билан (3/25)да ва имом Муслим 1079-рақам билан (2/758)да ривоят қилган.

уни мукофотлайман». Рўза қалқон! Рўзадор учун иккита хурсандчилик бор. Биринчиси рўзасини очганида, иккинчиси Раббисига йўлиққанида. Рўзадорнинг оғзидаги ҳидининг ўзгариб қолиши Аллоҳнинг ҳузурида мушкнинг ҳидидан ҳам хушбўйроқдир».<sup>1</sup> Рўзанинг савоби сон билан чекланмаган.

5. Ихлос бошқа ибодатлардан кўра рўзада кўпроқ. Чунки Аллоҳ таоло:

«تَرَكَ شَهْوَتَهُ وَطَعَامَهُ وَشَرَابَهُ مِنْ أَجْلِي».

«Рўзадор таомини, шаробини ва шаҳватини Мен сабабли тарк қилади», – деган.<sup>2</sup>

6. Аллоҳ таоло рўзадорлар учун жаннатда алоҳида эшик қилди. У Раййон эшиги бўлиб, унга рўзадорлардан бошқа ҳеч ким кирмайди.

7. Рўзадорнинг дуоси ижобат бўлади. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«لِلصَّائِمِ عِنْدَ فِطْرِهِ دَعْوَةٌ لَا تَرُدُّ».

«Рўзадорнинг ифтор пайтида қайтарилмайдиган дуоси бор», деганлар.<sup>3</sup>

---

1 Имом Насойй «Кубро» китобида 2536-рақам билан (3/131)да ривоят қилган.

2 Юқоридаги манба.

3 Ибн Можа 1753-рақам билан (1/775)да ривоят қилган.

8. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«مَنْ صَامَ رَمَضَانَ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا، غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ.»

«Ким Рамазон ойи рўзасини иймон ва Аллоҳдан савоб умид қилиб тутадиган бўлса, унинг ўтган гуноҳларининг барчаси кечирилади», – деганлар.<sup>1</sup>

Мусулмон киши ажру савобга эга бўлиш ва гуноҳи кечирилиши учун рўзани иймон ва савоб умидида тутиши лозим.

## Учинчи бўлим

### Рамазон ойи кириши нима билан собит бўлиши ҳақида.

Рамазон ойи кириши икки ишнинг бири билан собит бўлади:

1. Ҳилол (янги ой) кўриш билан, чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«إِذَا رَأَيْتُمُ الْهِلَالَ فَصُومُوا، وَإِذَا رَأَيْتُمُوهُ فَافْطِرُوا، فَإِنْ غَمَّ عَلَيْكُمْ فَأَقْدُرُوا لَهُ.»

«Ойни кўриб, рўза тутинглар. Ойни кўриб, рўзани очинглар. Бас, агар сизларга (само)

---

<sup>1</sup> Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий 38-рақам билан 1/16да ва имом Муслим 760-рақам билан (1/523)да ривоят қилган.

булутли бўлиб қолса, унда ойнинг ҳисобини қилинглар!» – деганлар.<sup>1</sup> Яна Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«لَا تَصُومُوا حَتَّى تَرَوْا الْهَيْلَالَ، وَلَا تَنْفُطِرُوا حَتَّى تَرَوْهُ».

«Янги ойни кўргунча рўза тутманглар, янги ойни кўргунча рўзани очманглар!» – деганлар.<sup>2</sup>

2. Агар янги ойни кўрмасалар Шаъбон ойини ўттиз кун қилиб тўлиқлайдилар. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«الشَّهْرُ تِسْعٌ وَعِشْرُونَ لَيْلَةً، فَلَا تَصُومُوا حَتَّى تَرَوْهُ، فَإِنْ غَمَّ عَلَيْكُمْ فَأَكْمِلُوا الْعِدَّةَ ثَلَاثِينَ».

«Ой йигирма тўққиз тун. Янги ойни кўрмагунча рўза тутманглар! Агар осмон булутли бўлиб қолса, ўттиз кун қилиб тўлиқланглар», – деганлар.<sup>3</sup>

---

<sup>1</sup> Имом Аҳмад «Муснад» асарида 6323-рақам билан (10/402-жилдда), Насайй эса «Сунан ал-Кубро» асарида 2446-рақам билан (3/102-жилдда) ривоят қилган.

<sup>2</sup> Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий «Саҳиҳ» асарида 1906-рақам билан (3/27-жилдда), Имом Муслим эса 1080-рақам билан (2/759-жилдда) ривоят қилган.

<sup>3</sup> Мутафаққун алайҳ. Имом Бухорий «Саҳиҳ» китобида 1907-рақам билан (3-жилд, 27-бетда) ривоят қилган.

Имом Муслим эса «Саҳиҳ» китобида 1081-рақам билан (2-жилд, 762-бетда) ривоят қилган.

## Тўртинчи бўлим

### Рўзага ният қилиш

Ҳар бир амал тўғри бўлиши учун унда ният қилиш шарт. Рамазон рўзасини тундан бошлаб ният қилиши керак. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«مَنْ لَمْ يُبَيِّتِ الصَّيَّامَ قَبْلَ الْفَجْرِ، فَلَا صِيَامَ لَهُ».

«Бомдоддан олдин рўзага ният қилмаган учун рўза йўқдир», – деганлар.<sup>1</sup>

Шайхул Ислоом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ: «Кимки эртанги кун Рамазон эканини билса ва рўза тутишни хоҳласа, у рўзага ният қилган бўлиб ҳисобланади. У ниятни хоҳ тил билан айтган бўлсин, хоҳ айтмаган бўлсин, фарқи йўқ. Одатда барча мусулмонлар рўзага шундай ният қиладилар».<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> Имом Насоий «Кубро» китобида 2652-рақам билан (3-жилдда 170-бетда) ривоят қилган.

<sup>2</sup> Фатово Ал-Кубро (2/469).

## Бешинчи бўлим

### Рўза ким учун фарз?

Рўза ҳар бир мусулмон, балоғатга етган ва ақли жойида бўлган киши учун фарз.

Агар соғ-саломат ва муқим бўлса, ўша вақтда ўташи фарз. Агар касал бўлса, (соғайгунга қадар кечиктириб) қазосини ўташи фарз.

Агар соғ-саломат ҳолида мусофир бўлса, рўза тутиш ёки тутмаслик ўз ихтиёрида. Рўза тутмаслик афзалроқ.

Рўза тутиш кофирга фарз эмас ва унинг рўзаси (агар тутса ҳам) саҳиҳ бўлмайди. Агар ой асносида тавба қилса, ойнинг қолганини тутади. Кофирлик давридаги рўзасини тутиб бериши шарт эмас.

Ёш бола рўза тутиши фарз эмас. Ақли етадиган боланинг рўзаси дуруст бўлади, лекин, унинг ҳаққида нафл ўрнига ўтади.

Ақли жойида бўлмаган кишининг рўза тутиши фарз эмас. Агар жиннилик пайтида рўза тутса ўтмайди. Чунки унинг нияти йўқ.

## Олтинчи бўлим

### Кимларга рўза тутмасликка рухсат берилган?

Рамазон ойи рўзасини тутмасликка рўхсат берилганлар қуйидагилар:

1. Рўза тутиши қийин бўлган бемор. Бундай кишилар рўза тутмаслиги мустаҳаб.

2. Рамазон ойи кирганда ёки Рамазонда сафарга чиққан киши. Сафарнинг масофаси саксон километр ёки ундан ошиқроқ бўлиши керак.

3. Ҳайз ва нифос кўрган аёл ҳайз ва нифос пайтида рўза тутиши ҳаром. Чунки Оиша разияллоҳу анҳо: «Биз шунга (ҳайз ва нифосга) йўлиқар эдик. Рўзанинг қазосини ўташга буюрилар эдик ва намознинг қазосини ўқишга буюрилмас эдик», – деганлар.<sup>1</sup>

4. Шифо топиши умид қилинмайдиган доимий хасталикка чалинган, касаллиги сабабли рўза тутишга мутлақо қодир бўлмаган

---

<sup>1</sup> Имом Муслим Саҳиҳида 335-рақам билан (1- жилд 265-бетда) ривоят қилган.

киши. У ҳар бир тутилмаган кун учун бир мискинни тўйдиради — ярим соъ буғдой ёки шу каби бошқа таом беради. Унга қазосини ўташи фарз эмас.

5. Жуда кексайиб, рўза тутишга қодир бўлмай қолган қария. У ҳар бир тутилмаган кун учун бир мискинни таомлантиради. Қазосини ўташи фарз эмас.

6. Ҳомиладор ва эмизикли аёллар агар рўза тутиш ўзларига ёки болаларига зарар бўлишидан қўрқсалар, рўза тутмасликка рухсат берилган. Кейинчалик рўзаларининг қазосини ўташлари вожиб бўлади. Агар фақат болаларига зарар етишидан қўрқиб рўза тутмасалар, унда улар қазосини ўташ билан бирга ҳар бир тутилмаган кун учун бир мискинни таомлантиришлари ҳам лозим бўлади.

## **Еттинчи бўлим**

### **Рўзани бузувчи нарсалар**

1. Жимоъ: (жинсий алоқа қилиш)

Рамазон кундузида жимоъ қилган кишининг

рўзаси бузилади. Кунининг қолган қисмида ҳеч нарса емаслиги ва истиғфор айтиб тавба қилиши керак. Жимоъ қилган кунининг қазосини ва каффоратини ўташи керак. Унинг каффорати: кул озод қилиш. Агар топа олмаса, икки ой узлуксиз рўза тутади. Икки ой рўза тутма олмаса, олтмиш мискинни тўйдиради. Ҳар бир мискинга ярим соъ бўғдой ёки шу каби ўша шаҳарнинг таомларидан беради.

2. Ўпиш, бевосита яқинлик, ўзини ўзи қониқтириш (истимно) ёки такрор-такрор қараш сабабли маний тушиши.

Агар рўзадор ушбу сабаблардан бири туфайли мани чиқарса, рўзаси бузилади. У куннинг қолган қисмини овқат ва ичимликдан тийилиб ўтказиши, кейинчалик ўша куннинг қазосини ўташи лозим. Лекин унга каффорат лозим эмас. Шу билан бирга, у тавба қилиши, пушаймон бўлиши, истиғфор айтиши ва шаҳватни қўзғатувчи бундай нарсалардан узоқ бўлиши керак. Чунки у буюк бир ибодатни адо этмоқда.

3. Атайлаб еб ичиш.

4. Рўзадордан ҳижома, томирдан қон олиш ёки қон топшириш мақсадида қон чиқариши.

Бу масаладаги асос Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги сўзлари:

«أَفْطَرَ الْحَاجِمُ وَالْمَحْجُومُ».

«Ҳижома қилувчининг ҳам ҳижома қилинганнинг ҳам рўзаси бузилди»<sup>1</sup>

Шейхул Ислоом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтадилар: «Ҳижома рўзани бузади деган сўз Аҳмад ибн Ҳанбал, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ, Ибн Хузайма, Ибн Мунзир ва шу каби кўп ҳадис фуқаҳоларининг сўзидир».<sup>2</sup>

Аммо рўзадорнинг қони тасодифан чиқса, масалан бурнидан қон келса, жароҳати қонаса, тишини ювганда қон келса ёки шунга ўхшаш ҳолатлар содир бўлса, бу рўзага таъсир қилмайди.

5. Қайт қилиш, қушиш:

Бу ошқозондаги овқат ёки ичимликни

---

<sup>1</sup> Бу ҳадисни Имом Бухорий 1937-рақам билан (3/33-саҳифа) ва Имом Аҳмад «Муснад» асарида 26217-рақам билан (43/278-саҳифа) ривоят қилган.

<sup>2</sup> Мажмуъу Фатово (25/252).

қасддан оғиз орқали чиқаришдир. Лекин агар у ўзини тута олмай қайт қилса ва қайт ўз-ўзидан чиқса, бу рўзасига таъсир қилмайди. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«مَنْ ذَرَعَهُ الْقَيْءُ فَلَيْسَ عَلَيْهِ قَضَاءٌ، وَمَنْ اسْتَقَاءَ فَلَيْئُضٌ.»

«Ким ўз-ўзидан қайт қилса, қазосини ўтамайди. Ким атайлаб қусса, қазосини ўтасин», – деганлар.<sup>1</sup>

## Саккизинчи бўлим

### Рўзанинг мустаҳаблари

1. Саҳарлик қилиш. Чунки Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«تَسَحَّرُوا، فَإِنَّ فِي السُّحُورِ بَرَكَاتًا.»

«Саҳарлик қилинглр! Саҳарликда барака бор», – деганлар.<sup>2</sup>

2. Бомдод вақти киришидан қўрқилмайдиган

---

<sup>1</sup> Бу ҳадисни Имом Аҳмад «Муснад» китобида 10463-рақам билан (16/283-саҳифа) ва Термизий «Жомеъ ул-Кабир» китобида 720-рақам билан (2/91-саҳифа) ривоят қилган.

<sup>2</sup> «Муттафақун алайҳ». Имом Бухорий 1923-рақам билан (3/29-саҳифа) ва Имом Муслим 1095-рақам билан (2/770-саҳифа) ривоят қилган.

вақтгача саҳарликни кечиктириш.

3. Қуёш ботиши билан ифторликка шошилиш. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам:

«لَا تَزَالُ أُمَّتِي بِمُخَيَّرٍ، مَا أَخْرُوا السُّحُورَ، وَعَجَّلُوا الْفِطْرَ».

«Умматим саҳарликни кечиктириб, ифторни тезлатар экан, доимо яхшиликда бўладилар».<sup>1</sup>

4. Янги етилган хурмо билан оғиз очиш мустаҳаб. Агар топмаса қуруқ хурмо билан, агар уни ҳам топмаса, сув билан оғиз очиш мустаҳаб. Чунки Анас разияллоҳу анҳу:

«كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يُفْطِرُ عَلَى رُطَبَاتٍ قَبْلَ أَنْ يُصَلِّيَ، فَإِنْ لَمْ تَكُنْ رُطَبَاتٍ، فَعَلَى تَمْرَاتٍ، فَإِنْ لَمْ تَكُنْ، حَسَا حَسَوَاتٍ مِنْ مَاءٍ».

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам намоз ўқишларидан олдин бир нечта янги етилган хурмога оғиз очар эдилар. Агар янги етилганлари бўлмаса, қуруқ хурмоларга, агар у ҳам бўлмаса бир неча хўплам сув ичиб оғиз очардилар».<sup>2</sup>

5. Рўзадор оғиз очиш пайтида хоҳлаган

---

1 Имом Аҳмад «Муснад» китобида 12507-рақам билан (35/399-саҳифа) ривоят қилган.

2 Имом Абу Довуд 2356-рақам билан (2/306-саҳифада) ривоят қилган.

дуолари билан дуо қилиши мустаҳаб.  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«إِنَّ لِلصَّائِمِ عِنْدَ فِطْرِهِ دَعْوَةً لَا تُرَدُّ».

«Рўзадорнинг ифтор пайтида қайтарилмайдиган дуоси бор», – деганлар.<sup>1</sup>

6. Турли хил ибодатларни кўпайтириш.  
Масалан: Қуръон ўқиш, Аллоҳнинг зикри, тунги намоз, таровеҳ намози, равотиб суннатлар, садақа ва яхшилик йўлида ҳаракат қилиш.  
Чунки яхшиликлар ёмонликларни кетказади.

## Тўққизинчи бўлим

### Эслатмалар

Рўзадор инсон ёлғон, ғийбат, ёмон сўзларни ишлатиш каби нарсалардан четланиш лозим.  
Агар уни бирорта ҳақоратласа ёки сўкса: «Мен рўзадорман», – десин!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«الصَّيَّامُ جُنَّةٌ، فَلَا يَرِفُثُ وَلَا يَجْهَلُ، وَإِنْ أَمْرٌ وَقَاتَلَهُ أَوْ شَاتَمَهُ، فَلْيَقُلْ: إِنِّي صَائِمٌ، إِنِّي صَائِمٌ».

«Рўза қалқон. Беодоблик ва жоҳиллик

---

<sup>1</sup> Имом Ибн Можа 1753-рақам билан (1/775)да ривоят қилган.

қилмасин. Агар бирор кимса у билан урушса ёки сўкса: «Мен рўзадорман», – деб икки марта айтсин!<sup>1</sup>

Рўзадор учун ман қилинган ишлардан бири – оғиз чайқаш ва бурнига сув тортишда ҳаддан ташқари муболаға қилишдир. Чунки бу ҳолатда сув унинг томоғига етиб бориши мумкин.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«وَبَالِغٍ فِي الْأَسْتِنْسَاقِ إِلَّا أَنْ تَكُونَ صَائِمًا».

«Бурунга сув олишда муболаға қил, фақат рўзадор бўлганингда бундай қилма», – дедилар.<sup>2</sup>

Мисвок рўзага таъсир ўтказмайди. Аксинча, рўзадор ва рўза эмас одам куннинг боши ва охирида мисвок ишлатиши мустаҳаб ва унга рағбатлантирилган. Мана шу тўғрироқ сўз.

## Ўнинчи бўлим

### Рамазон қазоси

Ким Рамазонда оғиз очишга рўхсат берилган шаръий узрлар ёки жимоъ ва шу каби мумкин

---

<sup>1</sup> Имом Бухорий 1894-рақам билан (3/24)да ривоят қилган.

<sup>2</sup> Бу ҳадисни Абу Довуд 2366-рақам билан (2/308) ва Термизий «Жомеъ ул-кабир»да 788-рақам билан (2/147) ривоят қилган.

эмас нарсалар билан оғиз очса, қазосини ўташи вожиб. Чунки Аллоҳ таоло:

﴿...فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ...﴾

«Бас, саноғини бошқа кунларда тутади», – деган. [Бақара: 184]. Зиммасидаги нарсдан қутилиш учун қазосини ўташга шошилиши мустаҳаб. Қазосини кетма кет тутиши ҳам мустаҳаб. Чунки қазосини ўташ, вақтида қилиш ўрнига ўтади. Қазонинг вақти эса кенгайтирилган.

Шунингдек, у қазо рўзаларини алоҳида-алоҳида тутса ҳам бўлади. Лекин агар Шаъбондан унинг зиммасидаги рўзалар миқдорига тенг вақтгина қолган бўлса, уни узлуксиз тутиши вожиб бўлади. Чунки вақт тор бўлиб қолган. Шунингдек, ҳеч қандай узрсиз уни кейинги Рамазондан кейинга қолдириш жоиз эмас.

Кимки қазо рўзасини кейинги Рамазондан кейинга қолдирса, унинг икки ҳолати бор:

Агар у шаръий узр сабабли кечиктирса, масалан, касаллик кейинги Рамазонгача давом

этса, у ҳолда фақат қазо рўзасини тутиши лозим бўлади.

Агар у қазо рўзасини ҳеч қандай узрсиз кечиктирса, у ҳолда қазо тутиш билан бирга ҳар бир кун учун шу юртда истеъмол қилинадиган асосий озиқ-овқатдан ярим соъ билан бир мискинни таомлантириши ҳам вожиб бўлади.

Қазоси бор кишининг нафл рўза тутиши ҳақида:

Кимнинг Рамазондан қазо рўзаси бор бўлса, аввал уни тутиб сўнгра нафл рўза тутиши афзал. Лекин агар нафл рўзанинг вақти ўтиб кетадиган бўлса, масалан, Арафа ёки Ошуро рўзаси каби, у ҳолда аввал уларни тутиши мумкин. Чунки қазонинг вақти кенг, Арафа ва Ошуро рўзаларининг вақти эса белгиланган. Аммо Шаввол ойининг олти кунлик нафл рўзасини қазо рўзаларини ўташдан олдин тутиши мумкин эмас.

(Баъзи уламолар жоиз деб айтишган)

Мавжуд имконият доирасида шуни йиғиш мумкин бўлди. Пайғамбаримиз Муҳаммадга, у

Зотнинг оилалари ва саҳобаларига Аллоҳ таолонинг салавоту саломи бўлсин. Аллоҳ уларга кўплаб салом ва баракот йўлласин!



## Мундарижа

Рўза аҳкомлари .....	2
Биринчи бўлим .....	2
Рўзанинг маъноси ва Рамазон ойининг рўзасини тутиш фарзлиги ҳақида.....	2
Иккинчи бўлим .....	4
Рамазон ойининг фазилатлари.....	4
Учинчи бўлим .....	7
Рамазон ойи кириши нима билан собит бўлиши ҳақида.....	7
Тўртинчи бўлим .....	9
Рўзага ният қилиш .....	9
Бешинчи бўлим .....	10
Рўза ким учун фарз? .....	10
Олтинчи бўлим .....	11
Кимларга рўза тутмасликка рухсат берилган? .....	11
Еттинчи бўлим .....	12
Рўзани бузувчи нарсалар.....	12
Саккизинчи бўлим .....	15
Рўзанинг мустаҳаблари .....	15
Тўққизинчи бўлим .....	17
Эслатмалар .....	17
Ўнинчи бўлим.....	18
Рамазон қазоси .....	18





# رسالة الحرمين

## Ҳарамайн рисоласи

Масжидул Ҳаром ва Масжиди Набавий зиёратчилари  
учун ҳар хил тилдаги йўриқномалар



978-603-8534-27-4

